


Ҳаётни материя яратганми?



17:03 / 16.11.2018 3722

«Ҳаммага маълумки, атроф-муҳит ҳам, барча материялар ҳам, кимёвий ва табиий ўзгаришлар ҳам ҳеч нарсага жон кирита олмайди. Шундай бўлса, жон ўз-ўзидан, ихтиёрсиз инсонга ёки ҳайвонга кириб қолган, дейиш мумкинми? Ҳаёт («ҳаёт» деганда жон кўзда тутилади), яъни жон сезиш ва фикрлашнинг асосий манбаидир. Усиз Аллоҳнинг қилган ишларини ҳам билиб бўлмайди. Демак, «Нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган» деган назария илмий асосга эга эмас. Ҳеч қандай соғлом ақл бу назарияни қабул қилмайди».